

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТИЛЛАР ВАЗИЯТИДА ИККИТИЛЛИЛИК ВА КҮПТИЛЛИЛИК

Курбониязов Гулмурза Алламбергенович
*Нукус ДПИ ўзбек тили кафедраси профессори,
филология фанлари доктори*

Аннотация: Мақолада Қорақалпогистон Республикасидаги лисоний вазият таҳлил қилинади. Маҳаллий аҳоли нутқида давлат тиллари ва нодавлат тилларининг ижтимоий хизматлари, иккитиллилик ва кўптиллилик ҳодисалари тадқиқ қилинган.

Калим сўзлар: лисоний вазият, иккитиллилик, кўптиллилик, алоқа муҳити, социолингвистик зона.

Annotation: The article analyzes the linguistic situation in the Republic of Karakalpakstan. Social services of state and non-state languages, bilingualism and multilingualism phenomena are researched in the speech of local population.

Key words: linguistic situation, bilingualism, multilingualism, communication environment, sociolinguistic zone.

Дунё мамлакатлари ва турли ҳудудлардаги тил вазиятларини таҳлил қилган ҳолда олимлар уларни оддий ва мураккаб тил вазиятларига ажратадилар[1.161]. Оддий тил вазиятлари бир тилли жамиятларда воқеланиб, улар диглоссия ёки бир тил турли варианtlар (адабий тил ва диалектлар)нинг фаолият кўрсатиши билан характерланади. Мураккаб тил вазиятлари эса полилингвистик (кўп тилли) характерда бўлиб, турфа тилларнинг фаолият кўрсатиши тарзида намоён бўлади. Унинг энг типик кўриниши билингвизм ҳодисасидир.

Қорақалпогистон ҳудудидаги тиллар вазияти мураккаб характерда бўлиб, бу ҳудудда ранг-баранг тиллар оиласига мансуб, ривожланиш даражаси ҳар хил, ижтимоий функциялари, қўлланилиш доиралари ва социал шароити бир-биридан фарқланувчи тиллар фаолият кўрсатади. Бу тилларнинг функциялари, фаолият доираси маълум тарихий жараёнлар ва тил ривожланишининг синхрон ҳамда диахрон ҳолатларининг таъсири натижасида таркиб топгандир. Чунки ҳар қандай тил ижтимоий функцияларининг амалга ошиши, маълум бир тил типининг бирор тарихий босқичда фаолият кўрсатишида ўша давр сиёсий, иқтисодий, маданий, руҳий омиллар, маъмурий-ҳудудий бўлиниш ва бошқарув тизимининг роли катта бўлади. Қорақалпогистон ҳудудидаги тиллар ижтимоий фаолиятида ҳам ушбу жиҳат истисно эмас. Бу ердаги тиллар ҳам юқоридаги каби омиллар таъсирида бугунги ҳолатига келиб қолган. Кейинги тадқиқотларда алоқа муҳити тушунчасининг ниҳоятда ноаниқ ва умум характерлигини ҳисобга олиб, уни коммуникатив муҳит тушунчаси билан конкретлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Чунки, коммуникатив муҳит

“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

тушунчасида тил қўлланишининг чегараси ва доираси аниқ билиниб туради. Бир тил ва унинг бир хил шакллари билан алоқа қилувчилар маълум ҳудуд, маълум бир кишилар жамоалари, ҳар хил мақсадларда тўпланган шахслар уюшмаларига тўғри келади. Муаллифларнинг фикрича «Ички коммуникатив алоқаларнинг жадаллиги даражаси билан характерланадиган маълум бир ареаллар йиғиндисидан мамлакатнинг ёки маълум бир географик вилоятнинг коммуникатив картинаси ҳосил бўлади» [2.11]. В.Д.Бондалетов эса, буни «Коммуникатив муҳит – бир неча тилда ёки унинг вариантларида фаол коммуникатив алоқалар амалга ошадиган лисоний этник ареал» [3.86] – тарзида янада ойдинлаштиради.

Коммуникатив муҳит ҳудуди бир давлатнинг, бир тилнинг тарқалиш зонасига ҳам тўғри келмайди. У этник, ижтимоий гурӯхлар ва диалектларга ҳам тенг эмас. Коммуникатив муҳит, юқорида таъкидланганидек, мазкур тил шакли билан алоқа қилувчиларнинг интенсив мулоқоти натижаси ёки маълум бир доирадаги кишиларнинг доимий, анъанавий алоқа воситаси ёки тил шаклининг бир қўринишидир. Коммуникатив муҳит А.Д.Швейцернинг «Тил (нутқ) жамоаси» (языковой (речевой) коллектив)[4.42], Дж. Гамперцнинг «Тил умумийлиги» (языковая общность) тушуналарига мос келади.

Коммуникатив муҳитлар социолингвистик зоналарга бирлашади ва зоналар ўз ичида турли-туман коммуникатив муҳитларга эга бўлиши мумкин. Социолингвистик зона таркибига бириккан коммуникатив муҳитлар ўзаро ҳар хил фарқларга, мазкур зонага хос умумий тил хусусиятларига эга бўлади. Бу зонага тааллуқли кишилар оммаси зона ичидаи бошқа коммуникатив муҳитдаги кишилар билан умумий бир тилда, яъни зонага хос тилда алоқа қила оладилар. Умумий тил социолингвистик зонанинг лисоний қиёфасини кўрсатадиган энг муҳим белгидир. Бу эса уни алоҳида социолингвистик ареал сифатида тасаввур қилишга ва тасвирлаб беришга имкон яратади.

Қорақалпоғистон ҳудудидаги тилларни социолингвистик жиҳатдан таҳлил қилишда коммуникатив муҳит ва социолингвистик зона тушунчалари ниҳоятда аҳамиятлидир. Чунки бу ҳудудда яшаётган ҳалқлар ва улар тилларининг тарқалиш ҳудудлари табиий, иқтисодий, маданий, психологик алоҳидаликка эгаки, бу уларни ўзига хос социолингвистик ареал сифатида тасаввур қилишга имкон беради. Шунга асосланиб, Қорақалпоғистон ҳудудидаги тилларни иккита катта социолингвистик зонага ажратиш мумкин: 1) жанубий – ўзбек тилли зона, 2) шимолий – қорақалпоқ тилли зона.

Бу икки социолингвистик зона ўз характери, ҳалқининг таркиби, лисоний-психологик жиҳатлари, урф-одатлари, тиллар муносабати, миллӣй

“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

хусусиятлари, иқтисодий тараққиёти, маданий қадриятлари жиҳатидан бирбиридан фарқланиб туради. Бу зоналарда тилларнинг тарқалиши ҳам ўзига хос. Уларда билингвизм, полилингвизм, диглоссия (бир тилнинг ҳар хил кўринишлари) ҳодисаларининг тарқалиш даражаси, таркиби, характеристики турлича.

Шимолий – қорақалпоқ тилли зона Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудларини камраб олган зона бўлиб, бу зона ғарбий ва шимоли-шарқий, шимоли-жанубий томонларидан Қозоғистон ва Туркманистон республикалари, жанубий томондан Амударё, Беруний туманлари билан чегараланган. Бу зона таркибига Бўзатов, Мўйноқ, Кўнғирот, Шуманой, Конликўл, Хўжайли, Тахиатош, Нукус, Кегейли, Қораўзак, Чимбой, Тахтакўпир туманлари, катта шаҳарлардан Нукус, Хўжайли, Кўнғирот ва туманлар марказлари, кичик типдаги шаҳарчалар киради. Мазкур ҳудудларда яшовчи аҳоли ҳам ҳар хил миллат ва элатларга мансубдир.

Қорақалпоғистон тиллар вазиятининг мураккаблиги шундаки, бу ҳудудда истиқомат қилаётган халқларнинг барчаси она тилларига эга. Баъзи тилларнинг қўлланиш доираси, ижтимоий хизмат ва вазифалари ниҳоят даражада тор бўлса ҳам, улар ҳали ўз ижтимоий функцияларига эгадир.

Билингвизм, полилингвизм бу ҳудудда кенг тарқалган ҳодисалардан ҳисобланади. Бу ҳодисаларга илмий адабиётларда ҳар хил таърифлар берилган ва улар характеристига қараб ҳар хил изоҳланади.

Жумладан, икки тилни билиш баъзи кишиларгагина хос бўлса, индивидуал, кўпчиликка хос бўлса оммавий иккитилилик деб юритилади. Оммавий иккитилилик бирор маъмурий-ҳудудий вилоят ёки туманни қамраб олса, ҳудудий икки тиллилик, бутун миллатга хос бўлса, миллий икки тиллилик бўлади. Агар иккитилилик жамият қатламларининг барчасига хос бўлса, тўла (ёппасига) иккитилилик бўлади. Агар у жамият қатламларининг баъзи бирларига хос бўлса, қисман иккитилилик дейилади.

Ҳар қандай иккитилилика икки тилнинг ўзаро муносабати кўзга ташланади. Агар иккитилли шахс бир тилдан иккинчи тилга эркин таржима қила олса ёки бир тушунчага унинг онгида иккита сўз тўғри келса, у аралаш иккитилилик (Л.В.Шчерба), агар иккитилли киши онгида ҳар иккала тил алоҳида-алоҳида системалар сифатида намоён бўлса ёки шахс ҳар иккаласида ҳам она тилидагидек алоқа қила олса, соф иккитилилик деб юритилади. Бундай иккитилилик оз учрайдиган ҳодисадир [3.83]. Иккитилиликтининг ҳар хил вариантларда воқеланиши социолингвистик тадқиқотларда қуйидагича эътироф этилади:

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

- 1) маҳаллий икки тилдан фойдаланиш натижасида юзага келган иккитиллилик (тиллардан кўпинча худудий диалектларда фойдаланилади). Одатда у икки томонлама бўлади, масалан, тожик-ўзбек, ўзбек-тожик иккитиллиги;
- 2) маҳаллий она тили ва худудий алоқа тилидан фойдаланиш асосида юзага келган иккитиллилик, (Кенияда маҳаллий ва этник тиллар билан бир қаторда этник бирликлараро алоқа тили вазифасини бажарувчи суахили тилидан фойдаланилади);
- 3) маҳаллий тил ва миллатлараро алоқа тили вазифасини бажарувчи тил (макропосредник) асосида юзага келган иккитиллилик. Бунда ҳар хил вазиятлар кузатилади: а) антогонистик жамиятда миллатлараро тил вазифасини бажарувчи бирорта чет тилининг маҳаллий халққа мажбуран сингдирилиши маҳаллий халқлар она тилларининг сиқиб чиқарилишига олиб келади; б) антогонистик характерга эга бўлмаган жамиятда макропосредник (масалан, рус тили) маҳаллий тиллар билан расман тенг ҳуқуқли бўлади ва миллий тил-рус тили иккитиллилигининг бир мувозанатда ривожланишига асос яратилади;
- 4) худудий тил ва миллатлараро тилдан фойдаланиш асосида юзага келган иккитиллилик (масалан, собиқ иттифоқдош республикалар туб аҳолиси тили ва бутун мамлакат халқларининг умумий тили сифатида рус тилининг қўлланиши);
- 5) миллий тил ва касб-хунар тилини (расм-русум тили – санскрит, фан тили – лотин, мумтоз – араб тили типидаги тиллар ва ҳ.к.) қўллаш воситасида юзага келган икки тиллилик [4.96-103; 3.85].

Шимолий қорақалпоқ тилли зона катта худудни қамраб олган, турли халқлар истиқомат қилаётган худуддир. У 12 та туман ва Қорақалғистон худудидаги сиёсий, иқтисодий, маданий шаҳарларни ўз ичига олади. Бу зона қорақалпоқ халқининг асосий жойлашган манзилгоҳи ва узоқ даврлардан бўён яшаб келаётган худудидир. Бундай ижтимоий вазият мазкур худудда она тили – қорақалпоқ тили иккитиллилигининг кенг ёйилишига имкон яратган. Демак, бу худудда қозоқ-қорақалпоқ, ўзбек-қорақалпок, туркман-қорақалпок иккитиллиларни кенг тарқалган.

Мўйноқ тумани худудида рус-қорақалпоқ иккитиллилиги ҳам мавжуд. Бу типдаги иккитиллилик бир асрдан қўпроқ давр давомида таркиб топган. Бунинг асосий тарихий илдизларидан бири шуки, 1878 йили чор Россияси даврида Урал казакларидан 5 минг оила Амударёning қўйи оқимиға бадарға қилинган ва уларнинг авлодлари маҳаллий халқ билан аралаш яшаган. Бу ҳақда Е.И.Коротин: “Бадарға қилинганлар омон қолиш, тирикчилик қилиш учун ерли

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

аҳоли билан алоқа қилиши, ишлаб чиқариш муносабатларини тиклаши зарур эди. Туркий тилли халқлар билан алоқа қилиш тажрибаси (масалан, улар қозоқ тилини ўз она тилидек билгандар), иккитиллилиги уларнинг маҳаллий ишлаб чиқариш доираларига киришини осонлаштиргди. Бадарга қилинганлар она тилини диалектал хусусиятлари билан бирга сақлаган ҳолда уни туркий тиллар лексик бирликлари билан бойитдилар. Бунга уларнинг турмуш тарзи ва касбий машғулотлари бир мунча қулайликлар туғдириди”[6.58], – деб ёзади.

Баъзи илмий адабиётларда рус-қорақалпоқ иккитиллилигининг хусусиятлари, бу тилларнинг бир-бирига таъсири масалалари кенг ёритилган [6]. Бу ишларнинг эълон қилинганлигига анча вақтлар бўлди. Рус тилининг қорақалпоқ тилига таъсири собиқ совет даврида яна ҳам кучайди. Ушбу жиҳат қорақалпоқ тилининг лексик-семантик, фразеологик, морфологик, синтактик жиҳатдан бойишида, функционал услубларининг ривожланишида, ҳаётнинг ҳар хил жабҳаларида фаол қўлланишида ўз аксини топди.

Рус тилидан ўзлашган, унинг таъсирида қорақалпоқ тилида пайдо бўлган ва қўлланишига қўра ҳар хил шаклларда намоён бўлувчи ижтимоий-сиёсий, байналминал, спорт, майший, кийим-кечак, пойабзал, тақинчоқлар ва инсонга хос бошқа буюмлар номларини, топонимлар, инсон исмлари, бадиий адабиётда мавжуд бўлган номларни билдирувчи рус тили сўзларининг қорақалпоқ тилида қўлланилиш жараёни, ўқитиш усувлари Қ.М.Қошчановнинг ишида яхши берилган [7.147].

Шимолий социолингвистик зонада қозоқ-қорақалпоқ иккитиллилиги кенг тарқалган. Бу ҳудудда қадимдан қозоқ ва қорақалпоқ халқлари ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, диний, майший ҳаёт жабҳаларида ҳамкорликда кун кечириб келмоқда. Қозоқ ва қорақалпоқ халқининг нафақат тиллари, балки турмуш тарзи, урф-одати, миллий характери, маданияти ҳам бир-бирига жуда яқин. Бу яқинлик улар тилларининг бир-бирига таъсири, ўзаро бир-бирини бойитишини таъминловчи омилдир. Бундай омилларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Зеро қўптиллилик ва диглоссия ҳодисаларини ёритища: 1) тиллар ўзаро муносабатида ижтимоий-маданий ва психологик омилларни; 2) тиллар ўзаро алоқасида структурал ва психологик омилларни; 3) тилларнинг ўзаро бир-бирига таъсирининг натижаларини ҳисобга олиш зарур [1.325]. Бу ҳудуддаги Мўйноқ, Қораўзак, Тахтакўпир туманларида қозоқлар сон жиҳатидан анча кўп. Таҳлил этилаётган социолингвистик зонада юқоридаги иккитиллилик, қўптиллилик ҳодисалари билан бир қаторда ўзбек-қорақалпоқ иккитиллилиги ҳам кенг ёйилган. Оролли ўзбеклар номи билан аталиб келаётган ўзбек тилли аҳоли бу ҳудудда илгаридан яшаб келмоқда. Улар мазкур ҳудудга XIV-XVI

“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

асрларда Дашти Қипчоқдан келиб ўрнашган [8.124]. Амударёнинг ўнг қирғозида жойлашган Нукус, Кегайли, Чимбой туманларида қорақалпоқ ва қозоқ халқлари вакиллари аралашиб яшайди. Чимбой ва Кегайли туманларида асосан қорақалпоқлар яшайди, бу туманлар аҳолисининг тили бошқа халқлар ва диалектлар тилининг таъсирига кам дучор бўлган. Маълумки, қорақалпоқ адабий тилининг шаклланишида унинг шимолий диалектлари асос бўлган. Қорақалпоқ тилининг ташқи таъсиirlарга учрамаган соф ҳолдаги шакли шу туманлар худудида учрайди. Айни чоғда Тахтакўпир ва Қораўзак туманлари аҳолиси тили қозоқ диалектлари таъсирига учраган. Қораўзак туманида 2 та, Тахтакўпирда 10 та қозоқ мактаби мавжуд, аралаш мактабларда ҳам қозоқ синфлари ниҳоятда кўп. Ушбу жиҳат мазкур худудларда қозоқ миллатига мансуб аҳолининг қўплигидан дарак беради. Қайд қилинган туманлarda қорақалпоқ-қозоқ иккитиллилиги кенг тарқалган. Қорақалпоғистонда оммавий ахборот воситаларининг қорақалпоқ тилида фаолият кўрсатиши, мактабларда қорақалпоқ ва қозоқ синфларининг ёнма-ён мавжудлиги, кўча-кўй, жамоат жойлари, корхоналарда бу икки халқ тилининг параллель қўлланиши ўзаро таъсирини яна ҳам тезлаштиради.

Қозоқ тилининг диалектал шакли оиласидан турмуш доирасида кенг қўлланилади. Агар, оила қозоқ ва қорақалпоқ миллати вакилларининг аралашиши натижасида вужудга келган бўлса, бундай оиласидан қорақалпоқ ва қозоқ тиллари аралаш қўлланилади. Кузатишларимиз қозоқ ва қорақалпоқ оиласидан 90% шундай аралаш оиласидан эканлигини кўрсатди. Ушбу вазият қорақалпоқ ва қозоқ тилларининг оила даврасидан бошлаб бир-бирига таъсирининг кучайишига олиб келади.

Мустақиллик йилларида маҳаллий тилларга бўлган эътиборнинг кучайиши боис билингвизм полилингвизмга айланади. Қайд этиш жоизки, Қорақалпоғистон худудида фаолият кўрсатаётган зиёлilarнинг кўплари Ўзбекистон олий ўкув юртларини тутатган. Улар қорақалпоқ-ўзбек иккитиллилигини эгаллаган.

Маълум бўлдики, бу категориядаги кўпгина кишилар қорақалпоқ-ўзбек-рус учтилилигининг соҳиблариdir. Ҳозирги даврда бундай шахслар сафи йилдан-йилга кўпаймоқда ва улар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз фаолиятини давом эттироқлоқда.

Худудда бундан ташқари туркман-қорақалпоқ иккитиллилиги ҳам мавжуд. Туркманларининг кўпчилиги Туркманистон худуди билан чегарадош худудларида яшайди. Улар Қўнғирот, Шуманой, Хўжайли, Тахиатош туманларининг ғарбий худудларида ўтроклашган. Туркманлар орасида ички ва

“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALAR”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

ташқи миграция ҳолатлари мавжуд бўлиб, тез-тез ўзгариб туради. Бу ҳолат уларнинг сонини аниқлашда қийинчилик тұғдиради. Туркманларнинг деярли барчаси иккитилли хусусиятга эга.

Худудда, айниқса, шаҳарларда, туман марказларида корейс миллатига мансуб аҳоли тарқоқ ҳолда яшайди. Улар корейс-қорақалпоқ иккитиллилиги соҳибларидирлар.

Ўзбек тилли жанубий зона Қорақалпоғистон тиллар вазиятида энг катта социолингвистик зона ҳисобланади. Мазкур худудда яшаётган аҳолининг барчаси маҳаллий аҳоли саналади. Зонада она тили-ўзбек тили иккитиллилиги кенг тарқалган. Булар туркман-ўзбек, қозоқ-ўзбек, қорақалпоқ-ўзбек, рус-ўзбек, корейс-ўзбек типидаги иккитиллилиkdir.

Туркман-ўзбек иккитиллилигига эга бўлган аҳоли сон жиҳатдан ўзбеклардан кейин иккинчи ўринда туради. Уларнинг кўп қисми Амударёning ўнг томони, яъни Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний туманларида, озгина қисми Амударёning чап томонидаги Амударё туманида ҳаёт кечиради. Характерли томони шундаки, Амударёning ўнг томонида яшаётган туркманлар зич жойлашган ва катта ҳудудларни банд этган. Бу ҳолат Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманларида кўзга ташланади. Туркманлар ўз миллий хусусиятлари, урф-одатлари, миллий маданиятига хос белгиларини сақлаб қола олган. Юқоридаги туманларда туркман мактаблари ва синфлари ишлаб турибди. Бу ҳудудлардаги туркманлар ўзларининг миллий илдизлари – Туркманистон ва туркман халқидан ҳудудий, сиёсий, иқтисодий, маданий сингари жиҳатлардан узоқлашган. Шу сабабли ҳам уларнинг турмуш тарзида Туркманистондаги миллатдошларининг таъсири сезилмайди. Жанубий зонадаги туркман тили ҳам ўз миллий ўзанидан ажralган тил сифатида бошқа тиллар таъсирида ривожланиб келмоқда.

Бу зонадаги туркманлар оммавий иккитилли аҳолидир. Уларнинг кичигидан каттасигача ўзбек тилида бемалол гаплаша олади. Туркман шеваларига ўзбек тилининг кучли таъсири бор. Чунки улар кўп сонли ўзбек тилли аҳоли орасида «оролча»лар сифатида яшаб келмоқда. Ўзбек тили туркман шеваларига катта таъсир кўрсатган [9.1-127]. Туркманлар зич яшайдиган жойларда ўзбеклар ҳам истиқомат қилади. Ўзбеклар туркман тилини ўзлаштирган ўринларда ўзбек-туркман иккитиллилиги тарқалган.

Жанубий социолингвистик зонада кенг тарқалган икки тиллиликнинг яна бир кўриниши қозоқ-ўзбек иккитиллилигидир. Қозоқ миллатига мансуб кишилар Тўрткўл туманида бир неча ўринда, Берунийда анча кўп, Элликқалъа туманида ўртacha тарзда учрайди. Уларнинг энг кўп жойлашган ҳудуди Беруний

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

туманидир. Ижтимоий соҳада фаолият кўрсатаётган катта ёшдаги аҳоли қатламлари ўзбек тилини билади. Қозоқ тилида сўзлашувчи диасфорага уни куршаб турган ўзбек тилли мұхитнинг таъсири нихоятда кучли. Бу ҳудуддаги қозоқ тилли аҳоли таркибиغا ўзбек диалектларининг катта таъсири сезилади [10].

Худудда қорақалпоқ-ўзбек иккитиллиги ҳам мавжуд. Ҳудуддаги қорақалпоқ-ўзбек тилли аҳоли ҳам тарқоқ ҳолда яшайди. Улар ўзбек тилли аҳоли томонидан ассимиляция қилинган, уларнинг тили ҳозирги даврда ўз табиий қиёфасини йўқотиб, ўзбек тилининг алоҳида бир шевасига айланган. Бу ҳудуддаги қорақалпоқларнинг тили бўйича номзодлик ва докторлик иши ҳимоя қилинган, унда мазкур аҳолининг тил хусусиятлари кенг планда таҳлил қилинган [11].

Мустақиллик йилларида қорақалпоқ тилига давлат тили мақоми берилгач, бу зонада ҳам қорақалпоқ мактаблари, баъзи жойларда қорақалпоқ синфлари ташкил қилинди. Жумладан, Элликқалъа туманида 1 ўринда, Амударё туманида 1 ўринда, Тўрткўл туманида 1 ўринда, Беруний туманида 1 ўринда қорақалпоқ мактаблари ташкил қилинган. Бошқа ўринларда қорақалпоқ синфлари очилган. Бундай мактаблар аралаш синфли мактаблар бўлиб, уларнинг сони Элликқалъада 2 та.

Ўқувчиларнинг аксар қисми иккитилли бўлиб, мазкур синфларда ўқиш жараёнида ўз она тилларида, синфдан ташқарида ўзбек тилида гаплашади. Бу анъана катта ёшдагиларда оила доираси билан чегараланиб қолган. Оилада улар она тили-ўзбек тили аралаш ҳолатида сўзлашади. Жамоат жойларида, оиладан ташқари мұхитда дарҳол ўзбекча нутққа мурожаат қиласидар. Бу ҳолат, айниқса қорақалпоқ-ўзбек иккитиллилиги хосдир. Чунки қорақалпоқ миллати вакиллари бу ҳудудда туркман ва қозоқ миллати вакилларига нисбатан озчиликни ташкил этади ва тарқоқ тарзда ҳаёт кечиради. Бу қорақалпоқ-ўзбек иккитиллилиги тарқалиш даражасининг сезиларли мавқега эга эмаслигига кўзга ташланади. Кўрилаётган бу иккитиллилик соҳиблари ўзбек тилида алоқа қилишади, уларнинг қорақалпоқ миллатига мансублигини суриштириш орқалигина билиб олиш мумкин. Шу сабабли ҳам бу иккитиллилик оммавий характерга эга бўлмай, қисман, индивидуал иккитиллилиkdir.

Ҳудудда оз бўлса-да рус-ўзбек, корейс-ўзбек иккитиллилиги учрайди. Рус-ўзбек иккитиллилиги Тўрткўл шахрида мавжуд.

Ҳудудда ўзбек тилининг қўлланиш даражаси ҳам бир хил эмас. Бу зонадаги ўзбек тилли аҳоли диглоссия характеристига эгадир. Тўрткўл, Элликқалъа туманлари аҳолиси Жанубий Хоразм шевасида гаплашади.

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

Уларнинг тили Хоразм вилоятининг Хазорасп, Хонқа, Хива туманлари аҳолиси тилига яқин, Беруний, Амударё туманлари аҳолисининг тили Хоразм вилоятининг Гурлан тумани аҳолиси тилига яқин.

Бу социолингвистик зонада жойлашган Назархан қишлоғи аҳли (ҳозирги Бердақ номли фермер хўжалиги) тили шимолий қорақалпоқ тилли зонага яқин туради. Улар асосан қорақалпоқ-ўзбек иккитиллилигига эга аҳоли ҳисоблансада, қорақалпоқ тили компоненти анча устун мавқега эга. Чунки бу ерда ўзбек миллатига мансуб аҳоли кўп бўлишига қарамай, барча ижтимоий соҳаларда қорақалпоқ тили етакчилик қиласиди. Мактаб ва таълим соҳасидаги идоралар қорақалпоқ тилидадир. Бу ҳудудда қозоқ миллатига мансуб аҳоли ҳам кўп. Шу сабабли бу ерда қозоқ-қорақалпоқ иккитиллилиги анча тарақкий қиласиди.

Хуллас, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида қорақалпоқ тилли шимолий социолингвистик зона, ўзбек тилли жанубий социолингвистик зона аниқ фарқланиб туради. Бу зона тилларидаги ички жараёнлари ўзига хос тарзда намоён бўлади. Қорақалпоғистон тиллар вазиятида ҳар бир зонанинг муносабати ўрни бор.

Фойдаланилган адабётлар:

1. Абдуллаев Ю., Бушуй А. Язык и общество. – Т.: Фан, 2002.
2. Виноградов В.А., Коваль А.Н., Тархомский В.Я. Социолингвистическая типология Западной Африки. – М.: Наука, 1984. – С. 11.
3. Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987. – С. 86.
4. Швейцер А.Д. К проблеме социальной дефференциации языка //Вопросы языкознания. –М.:1982. –№5. – С 42.
5. Никольский А.Б. Синхронная социолингвистика. – М.: Наука, 1976.
6. Баскаков Н.А. Развитие языков и письменности народов СССР// Вопросы языкознания. –1952. –№3. Каракалпакский язык /Языки народов СССР. Т.II Тюркские языки., –М. Наука, 1966., Историко-типологические характеристики структуры тюркских языков. –М.,1975. Насыров Д.С. Развитие каракалпакского языкознания за годы советской власти//Советская тюркология, 1973.– №3. Бердимуратов Е. Развитие каракалпакской лексики в связи с развитием функциональных стилей литературного языка. Дис: ...д-ра. филол наук. –Нукус: 1973. Умаров А. Сопоставительный синтаксис русского и каракалпакского языков. – Нукус: 1973. Есемуратова Р. Развитие каракалпакской лексики после Великой Октябрьской социалистической революции. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. –Т: 1963.
7. Кощенов. К.М. Взаимодействие русского и каракалпакского языков в области номинативной лексики. – Нукус: – Каракалпакстан, 1989.–147 с.
- 8.

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

9. Задыхина К.Л. Узбеки дельты Амудары /Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т.1. – М.:1952.
10. Аразкулиев С. Гарагалпагистан АССРнин Дортгул районындакы туркмен геплешиклери. –Ашхабат: 1961.
11. Бекетов Б. Казахский говор в южной Каракалпакии. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1969.
12. Доспанов У. Лексика южного диалекта каракалпакского языка. Автореф. дисс. ...канд. филол.наук.– Алма-ата: 1965. Қарақалпақ тилиниң қубла диалекти ҳәм оның тил өзгешеликлери. Филол.фналари .д-ри. ...дисс.автореф.– Тошкент: 1981.